



**МАМЛАКАТИМИЗДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

Холикулов Анвар Нематович

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодий таҳлил ва статистика”
кафедраси мудири, и.ф.н., профессор.**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлашда олиб борилаётган ишлар ҳолати ҳамда кўрсатилган алоқа ва ахборот хизматларининг ҳажмининг таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Ахборот, алоқа, хизмат, хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш корхоналари.

**АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ РАБОТ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ИНФОРМАЦИОННОЙ
ПРОЗРАЧНОСТИ ПРИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ СИСТЕМЫ
АНТИМОНОПОЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ**

Холикулов Анвар Нематович

**Заведующий кафедрой «Экономический анализ и статистика», Самаркандский
институт экономики и сервиса, кандидат экономических наук, профессор**

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрено состояние работы по совершенствованию монополевой системы в нашей стране для обеспечения прозрачности деятельности аксбопота и увеличения объемов связи и обслуживания аксбопота. представлен анализ.

Ключевые слова: Информация, связь, сервис, сервис, сервисные предприятия.

**ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF WORK IN ENSURING INFORMATION
TRANSPARENCY IN IMPROVING THE ANTI-MONOPOLY GOVERNANCE SYSTEM
IN OUR COUNTRY**

Kholiqulov Anvar Nematovich

**Head of the Department of “Economic Analysis and Statistics,” Samarkand Institute of
Economics and Service, PhD in Economics, Professor**

ABSTRACT

In this article, the state of work in the improvement of the monopoly system in our country to ensure the transparency of the axbopot and the volume of increased communication and axbopot service. analysis is presented.

Key words: Information, communication, service, service, service enterprises.

“Жаҳон амалиётида мутахассислар миллий иқтисодиётни рақобатдошлигини аниқлаш учун 340 дан ортиқ кўрсаткичлар ва 100 дан ортиқ усуллардан фойдаланишади. Мамлакатнинг рақобатдошлигини аниқлашда қуйидагилар асосий омиллар сифатида хизмат қилади: иқтисодий салоҳият ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари; саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги; илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш даражаси ва уни ўзлаштириш суръатлари; халқаро меҳнат тақсмотида қатнашиш; ички бозор ҳажми ва динамикаси; иқтисодиётда давлатнинг роли; молия тизимининг эгилувчанлиги; меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва малака даражаси; ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат; иқтисодиётнинг жаҳон бозори конъюктураси талабига мослашиш даражаси ва қобилияти” .

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Менежментни ривожлантириш халқаро институти ҳар йили дунёнинг етакчи 47 мамлакатига рақобатдошлик нуқтаи назаридан баҳо беради. Таҳлиллар 287 мезон бўйича гуруҳланган 8 та омил бўйича амалга оширилади: миллий иқтисодиёт тавсифи – ЯИМ ҳажми, инвестициялар ва жамғармалар ҳажми, пировард истеъмол даражаси, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодиётнинг



амал қилиш самарадорлиги даражаси; иқтисодиётнинг байналмилаллашув даражаси; сиёсий тизимнинг барқарорлиги; молия тизими; инфратузилма; бошқарувнинг самарадорлиги; фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси; меҳнат ресурсларининг тавсифи.

Мамлакатлар рақобатдошлигини таҳлил этувчи халқаро тадқиқотлардан бири – бу Жаҳон иқтисодий форумининг методикаси ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида мамлакатнинг иқтисодий ўсишини баҳолашда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш динамикасини тавсифловчи муҳим макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар асосида рақобатдошликнинг агрегат индекслари ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатдошлик тўғрисидаги маърузасида чоп этилади.

Минтақалар рақобатбардошлиги назарияси эндигина шаклланаётганлиги сабабли унинг мазмуни, тушунчаси бўйича олимлар ўртасида турли қарашлар ва таърифлар мавжуд. Фикримизча, минтақа рақобатбардошлиги – унинг рақобатбардошлик афзалликларидан самарали фойдаланган ҳолда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборат. Минтақалар ўртасидаги рақобатбардошлик жараёни мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар ўртасидаги аниқ бир кўринишга эга бўлмайди. Ушбу жараён етарлича узоқ ва мураккаб бўлиб, минтақаларнинг рақобатбардошлиги, биринчи навбатда инвестицияларни жалб қилган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг рақобат афзалликларидан самарали фойдаланишга қаратилгандир.

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакат рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири албатта ахборот ва алоқа соҳасида фаолият юритаётган корхоналар, уларнинг йиллар бўйича ўзгариши, ва турлари бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда ахборот ва алоқа соҳасида 10500 дан ортиқ корхоналар фаолият олиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал.

Иқтисодий фаолият тури бўйича “Ахборот ва алоқа” соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1 январ ҳолатига кўра, бирликда)

Йиллар/корхоналар фаолият тури	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Ахборот ва алоқа - жами	6 370	6427	6 403	6975	7 901	9 517	10587
Китоблар нашр қилиш	84	87	114	122	145	193	217
Маълумотнома ва рўйхатлар нашр қилиш	21	15	5	7	7	8	7
Газеталар нашр қилиш	106	267	308	315	315	337	324
Журналлар ва даврий нашрлар нашр қилиш	39	117	143	154	176	182	211
Наширлик фаолиятининг бошқа турлари	216	220	223	231	270	358	405
Компютер ўйинларини чиқариш	82	171	83	90	109	136	130
Бошқа дастурий таъминотларни чиқариш	122	109	201	206	248	315	352
Кино-видеофилмлар, телевизион дастурлар, фонограммалар ва муסיқали ёзувларни ишлаб чиқариш	115	161	184	205	227	293	353
Кино-видеофилмлар ва телевизион дастурлар тайёрлашнинг ишлаб чиқариш босқичи	12	23	39	44	42	53	59



Кинофилмлар, видео ва телевизион дастурларни тарқатиш	46	43	44	50	46	49	47
Кинофилмлар намоиш қилиш	95	82	87	87	95	99	84
Фонограммалар ва мусиқали ёзувларни нашр қилиш бўйича фаолият	125	100	88	71	76	84	77
Радиоэшиттириш	227	389	109	93	87	88	66
Телевизион дастурларни яратиш ва намоиш қилиш бўйича фаолият	99	81	76	91	92	106	106
Симли алоқа хизматларини тақдим этиш	845	640	547	542	457	463	362
Симсиз алоқа хизматларини тақдим этиш	1 025	1 255	1 020	1 065	1 127	1 382	1 457
Ўлдош воситасидаги алоқа хизматларини кўрсатиш тақдим этиш	16	11	7	8	20	24	22
Бошқа телекоммуникация хизматлари кўрсатиш	368	245	538	606	805	1 017	1 255
Компютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият	370	379	387	561	710	896	1121
Компютер технологиялари соҳасидаги маслаҳат хизматлари	169	175	249	272	309	387	461
Компютер ускуналарини бошқариш бўйича фаолият	66	93	89	122	149	198	243
Ахборот технологиялари ва компютер тизимлари соҳасидаги бошқа фаолият турлари	1 020	972	1 018	1 051	1 217	1 433	1 596
Маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар	92	107	224	317	396	510	628
Веб-порталлар	3	-	17	49	70	97	109
Ахборот агентликлари фаолияти	454	253	215	207	188	175	171
Бошқа тоифаларга киритилмаган, ахборот хизмати кўрсатиш бўйича бошқа фаолият	553	432	388	409	518	634	724

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сони 2016 йил 1 январ ҳолатига қараганда 2022 йил 1 январ ҳолатида 66,2 фоизга ((10587-6370)*100/6370) кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Бу давр оралиғида асосий ижобий ўсишга эга бўлган корхоналар, Веб порталлар 36,3 марта (109/3), Маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар 6,8 марта (628/92), Кино-видеофилмлар ва телевизион дастурлар тайёрлашнинг ишлаб чиқариш босқичи 4,9 марта (59/12), Компютер ускуналарини бошқариш бўйича фаолият 3,68 марта (243/66) ўсганлигини мисол келтиришимиз мумкин. Бу давр оралиғида энг катта салбий ҳолатга кетган корхоналар, яъни камайиш юқори бўлганлари, Радиоэшиттириш 71 фоизга (100-(66*100)/227), Ахборот агентликлари фаолияти 62,4 фоизга (100-(171*100)/454), Симли алоқа хизматларини тақдим этиш 58 фоизга (100-(362*100)/845) камайганлиги аниқланди. Албатта бу ўсиш ва камайиш кўрсаткичлари мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт тобора ривожланиб бораётганлиги билан бевосита боғлиқ десак, адашмаган бўламиз.

Минтақавий рақобатбардошликни ошириш уларнинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясининг асосини ташкил қилади. Халқаро тажриба ва олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, минтақанинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан унинг



табий-иктисодий салоҳиятининг мавжудлиги ва даражаси билан аниқланади. Салоҳиятни баҳолашга асосланган ёндашув минтақанинг рақобат афзалликларини аниқ кўрсатиб беради. Бунда минтақанинг рақобатбардошлигини шакллантирувчи асосий салоҳият турларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлаш механизмлари мамлакатда қай даражада ривожланиб бораётганлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш тенденцияси билан ҳам ифодаланади. Мамлакатимизда кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми ҳам кейинги йилларда ўсиб бораётган соҳалардан бир бўлиб ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

**Кўрсатилган алоқа ва ахборот хизматларининг ҳажми
(амалдаги нархларда, млрд.сўм)**

Йиллар/корхоналар фаолият тури	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Ахборот ва алоқа - жами	6 370	6427	6 403	6975	7 901	9 517	10587
Китоблар нашр қилиш	84	87	114	122	145	193	217
Маълумотнома ва рўйхатлар нашр қилиш	21	15	5	7	7	8	7
Газеталар нашр қилиш	106	267	308	315	315	337	324
Журналлар ва даврий нашрлар нашр қилиш	39	117	143	154	176	182	211
Наширлик фаолиятининг бошқа турлари	216	220	223	231	270	358	405
Компютер ўйинларини чиқариш	82	171	83	90	109	136	130
Бошқа дастурий таъминотларни чиқариш	122	109	201	206	248	315	352
Кино-видеофилмлар, телевизион дастурлар, фонограммалар ва муסיқали ёзувларни ишлаб чиқариш	115	161	184	205	227	293	353
Кино-видеофилмлар ва телевизион дастурлар тайёрлашнинг ишлаб чиқариш босқичи	12	23	39	44	42	53	59
Кинофилмлар, видео ва телевизион дастурларни тарқатиш	46	43	44	50	46	49	47
Кинофилмлар намойиш қилиш	95	82	87	87	95	99	84
Фонограммалар ва муסיқали ёзувларни нашр қилиш бўйича фаолият	125	100	88	71	76	84	77
Радиоэшиттириш	227	389	109	93	87	88	66
Телевизион дастурларни яратиш ва намойиш қилиш бўйича фаолият	99	81	76	91	92	106	106
Симли алоқа хизматларини тақдим этиш	845	640	547	542	457	463	362
Симсиз алоқа хизматларини тақдим этиш	1 025	1 255	1 020	1 065	1 127	1 382	1 457
Ўлдош воситасидаги алоқа хизматларини кўрсатиш тақдим этиш	16	11	7	8	20	24	22
Бошқа телекоммуникация хизматлари кўрсатиш	368	245	538	606	805	1 017	1 255



Компютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият	370	379	387	561	710	896	1121
Компютер технологиялари соҳасидаги маслаҳат хизматлари	169	175	249	272	309	387	461
Компютер ускуналарини бошқариш бўйича фаолият	66	93	89	122	149	198	243
Ахборот технологиялари ва компютер тизимлари соҳасидаги бошқа фаолият турлари	1 020	972	1 018	1 051	1 217	1 433	1 596
Маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар	92	107	224	317	396	510	628
Веб-порталлар	3	-	17	49	70	97	109
Ахборот агентликлари фаолияти	454	253	215	207	188	175	171
Бошқа тоифаларга киритилмаган, ахборот хизмати кўрсатиш бўйича бошқа фаолият	553	432	388	409	518	634	724

Таҳлил қилинаётган давр оралғида кўрсатилган алоқа ва ахборот хизматлари турларнинг барчаси ўсиш тенденциясига эга бўлган, бунинг натижасида алоқа ва ахборот хизматларининг ҳажми ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин (1-расм).

Монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминловчи кўрсаткичлар ҳолати таҳлили олиб борилганда, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлар таркибига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ноширлик хизматлари, телевидение ва дастурлари кино-видеофилмлар ишлаб чиқариш бўйича хизматлар, овоз ёзиш ва мусиқа асарларини нашр қилиш бўйича хизматлар, телерадиоэшиттириш ва дастурлар тузиш бўйича хизматлар, телекоммуникация хизматлари, компютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматлари ва бошқа ёрдамчи хизматлар, ахборот соҳасидаги хизматлар

1-расм. Кўрсатилган алоқа ва ахборот хизматларининг ҳажмининг ўсиш тенденцияси

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, таҳлил қилинаётган давр оралғида, кўрсатилган алоқа ва ахборот хизматларининг ҳажми фақат ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан 2016 йил 21,7 фоизга, 2017 йил 30,0 фоизга, 2018 йил 26,1 фоизга, 2019 йил 5,4 фоизга, 2020 йилда 27,2 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Умуман 2015-2020 йиллар оралғида 2,67 марта ўсганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Абдуллаев, Ш. Р. Ахборот хизматлари иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Тошкент, 2019.
2. Каплан, Р., Нортон, Д. Стратегик харита ва бизнес- jarayonlarni бошқариш. Москва, 2018.
3. Жаҳон иқтисодий форуми. Глобал рақобатбардошлик ҳисоботи 2020–2021. Женева, 2021.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни. Тошкент, 2020.
5. Холиқулов, А. Н. Давлат бошқарув тизимларини ривожлантиришда ахборотнинг шаффофлиги. Самарқанд, 2021.
6. Шумпетер, Й. Капитализм, социализм ва демократия. Нью-Йорк, 1942.
7. ОЕСД. Рақамли иқтисодиёт таҳлили 2020. Париж, 2020.
8. Портер, М. Рақобат устунлиги: юқори самарадорликни яратиш ва ушлаб туриш. Нью-Йорк, 1985.



9. Тошкент иқтисодиёт ва сервис институти. Статистик йиллик ҳисобот 2016–2022.
Тошкент, 2022.